

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Пахта – 2013

Вилоят пахтазорларида йғим-терим мавсумининг ҳал қилувчи давлари бошланди. Шу муносабат билан мавсум бошидан теримни оқилона ташкил этиб, контрактация шартномаларини анча ортиги билан бажарган хўжаликлар ҳақида таҳририятта хушxabарлар оқими кучайди.

КАТТА ХИРМОНДА УЛУШИ БОР

Чиноз туманидаги "Ақромов Алишер" фермер хўжалиги биринчи теримнинг ўздаёқ 30 центнердан ҳосил олиб, давлатга пахта сотиш шартномасини виллоятда биринчилардан бўлиб бажарди. Хўжаликнинг умумий экин майдони 222 гектар. Шундан 104 гектариде пахта қолганида галла етиштирилади. Кўпни кўрган деҳқонлар "Катта ерда иш ҳам, масуулият ҳам катта бўлади. Кетма-кет бажарилмаган агротехник тадбирлар катта куч талаб этади", дейишди.

– Бу айни ҳақиқат. – дейди хўжалик иш юритувчиси Мирзақоиди Ақромов. Чўчки, пахта кун санайди. Зарур озуқа вақтида берилмаса, агротехник тадбирлар сифатли амалга оширилмас, тинимсиз қилинган меҳнат, сарфланган миллионлар зое кетади. Аммо биз бунга йўл қўймаймиз. Хар йили пахта ва галла юзасидан тузилмаган шартномани ортиги билан бажарамиз.

Иш юритувчи ҳақ. Хўжалик фермерлик ҳаракати бошланган 1992 йилларда биринчилар қатори ташкил этилди. Шунинг учун бўлса керак "Ақромов Алишер" номи тилга олинганда чинозликлар "Ҳа, у туманимизнинг қалдирғоч фермерларидан", дейишди.

– Дастлаб экин майдонимиз нисбатан чорроқ эди, – эслайди фермер Алишер Ақромов. – Уша йиллари тинмадик. Дадил ишладик. Хуку-

матимиз ишончини қозондик. Шу тўғрисида, фермер хўжаликларини йириклаштириш даврида экин ерларимизни кенгайтириб бордик. Хўжалик бу йил ҳам галладан мўл ҳосил олиб, 100 миллионга яқин фойда кўрди. Шартномадан олган бугдўй 40 дан зиёд аъзога тенг тақсимланди. Ишчилар дондан бўшаган ерни пахта терими бошланмасидан бундан, шугорлар, кечки экин экиб, беҳато ундириб олишди. Энг муҳими, 50 гектар майдондаги картошка ҳадемай қавлаб олинади. Шунингдек, хўжалик пахтазориде ҳосил йғим-терими ниҳонламай, деҳқонлар 2014 йил ҳосили учун галла экинни айни вақтида яқинлашди.

– Бу йил "Замин", "Краснадор" навларидан ташқари синов тарихида янги "Ясовул" ва "Кума" навларини эдик, – дейди М. Ақромов. – Қўриб турганингиздек, майсалар қиш-қировли кунлар бошлангунга қадар қалин туллагига, ҳосил эрта етилиб, баракали бўлишига умид қилаймиз. Насиб этса, келгуси галла мавсумида ҳам юзимиз ёруғ бўлади.

Бекзод ХИДОЯТОВ, "Тошкент ҳақиқати" муҳбири.
СУРАТДА: режани ортиги билан бажаришга катта ҳисса қўшган иш юритувчи Мирзақоиди Ақромов.

Муаллиф олган сурат.



КўНГИЛГА РАҒБАТ, БЕЛГА ҚУВВАТ

Вилоятимиз пахтакорларининг кундан-кунга юксалаётган хирмонига муносиб улуш қўшаётган оққўрғонлик теримчилар учун ви-

лоят ҳокимлиги, хотин-қизлар кўмитаси ёзувчи-шоирлар ва таниқли санъаткорлар иштирокида уч-рашув-концерт уюштирди.

Фанимат кунлардан умумли фойдаланиб, шартнома режасини ортиги билан бажарётган фермерлар, илғор теримчиларга виллоят ҳокими Аҳмадjon Усмонов эсдалик совғалари топширар экан, миришкор деҳқонларимизнинг фидокорона меҳнати, пешона тери эвазига етиштирилган мўл ҳосил нестунбўлмай, ўз вақтида йғиб-териб олинишига ишонч билдириди. Албатта, бундай эътибор ва рағбат, таниқли санъаткорлар, ёзувчи-шоирлар билан дилтортар суҳбат, куй-қўшиқлар пахтакорларни руҳлантириб, кўнгиллар



тоғдек кўтарилди. – Халқимизнинг "Ҳорма, бор бўл" деган аjoyиб удуми бор, – дейди "Фазлидин Омонов" фермер хўжалиги раҳбари Жуман Омонов. – Ҳокимимиз раҳбарлигидаги бугунги учрашув шу удумнинг чиройли кўриниши бўлди. Шу кунгача

терилган 494 тонна (режа 355 тонна) пахтаимизни 500 тоннага етказиш ниятимиз бор.

– Бу йил 49 гектар майдонга пахта экканмиз, – дейди "Оллоберди Мурод" фермер хўжалиги раҳбари Мурод Наватов. – Гектаридан 40 центнердан ҳосил олиб, режани 132,6 тонна ўрнига 220, яъни 165,7 фоизга бажардик.

Оққўрғонлик пахтакорлар бундан бундан ҳам терим суръатини бўшаштирмай, даладаги мўл ҳосилни ҳам-хўшатиқ билан йғиб-териб олиш ҳаракатидалар. Зеро, теримчилар учун барча зарур шарт-шароитлар яратилган.

Сайёра ЭШМАТОВА, Даврон АҲМАД олган сурат.

Фуқаролик жамияти сари

Фуқаролар йғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловлари бошланадиган кунлар тобора яқинлашмоқда. Би-

нобарин, ушбу муҳим тадбирга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш билан боғлиқ ташкилий ишлар ҳам ақуний босқичга кирди дейиш мумкин.

КўМАКЛАШУВЧИ КОМИССИЯ ҲАРАКАТДА

Хўш, виллоят шаҳар ва туманларида сайловларга тайёргарлик қандай борапти? Виллоят кўмаклашувчи комиссиясининг раиси Баҳодир Тоғаев бу ҳақда "Тошкент ҳақиқати" газетаси муҳбирига қуйидагиларни сўзлаб берди.

– Фуқаролар йғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисидаги "Ҳақиқат" газетасида "Тошкент ҳақиқати" газетаси муҳбирига қуйидагиларни сўзлаб берди. "Фуқаролар йғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги Узебекистон Республикаси Қонуни ҳамда Олий Мажлис Сенати тақдим этган намунавий шакл ва тавсиялар асосида виллоятнинг ҳамма шаҳар ва туманларида сайловга кўмаклашувчи комиссия, ташкилий-назорат гуруҳи, "Маҳалла" жамоат фонди раҳбарлари ва ходимлари иштирокида тайёргарлик ишларини тўғри ташкил этиш масаласига оид сессиялар ўтказилиб, асосий ишлар аниқ белгилаб олинди, – деди Баҳодир Тоғаев. – Шундан сўнг ишчи гуруҳлар фаолияти янада қизгин тус олди.

Бизнинг кўмаклашувчи комиссиямиз аъзолари жойларда бўлишиб, тайёргарлик жараёнлари билан атрафликда танишмоқдалар, зарурат туғилганда тавсиялар бериб, амалий ёрдам кўрсатмоқдалар. Жумладан, биз Қўбрай тумани сайловга кўмаклашувчи комиссия ва жойлардаги ишчи гуруҳлар фаолияти билан танишдик. Улар иш юритиши учун махсус хона ажратилиб, керакли жиҳозлар билан таъминланган. Тавсия этилган 22 та намуна бўйича иш юритилмоқда. Навбатчилик ҳам яқин ташкил этилган.

Умуман, кўмаклашувчи комиссиянинг иш фаолияти талаб даражасида. Бирок, Чирчиқ шаҳар кўмаклашувчи комиссия фаолияти билан танишди. Жараёнда бир қатор камчиликлар кўзга ташланди. Чунки, навбатчилик ханузга тақдим этилмаган. 22 та намуна бўйича иш юритиш ҳужжатлари етарли даражада шаклланмаган. Комиссия

аъзоларининг оммавий ахборот воситаларида чиқишлари ҳам талаб даражасида эмас.

Виллоят кўмаклашувчи комиссия аниқланган ушбу камчиликларни бартараф этиш юзасидан тегишли тавсиялар берди. Бўстонлик туман сайловга кўмаклашувчи комиссияси фаолияти ҳам камчиликлардан холи эмас. Унинг иш фаолияти билан танишиш чоғида маълум бўлдики, комиссия аъзолари, "Маҳалла" жамоат фонди ходимлари "Фуқаролар йғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги Қонун ҳамда Олий Мажлис Сенати тақдим этган намунавий шакллар ҳақида етарли маълумотга эга эмаслар. Кўмаклашувчи комиссия хонаси ва унинг моддий-техник базаси шаклланмаган. Навбатчилик ташкил этилмаган. Иш юритишнинг аҳоли ҳам талабга жавоб бермайди.

Умуман, туман сайловга кўмаклашувчи комиссияси ва жойлардаги ишчи гуруҳлар фаолияти жуда суст. Улар камчиликларни бартараф этиб, ишчи жонлантириш ўрнига турли мавсумий тадбирларни рўқча қилмоқдалар. Виллоят кўмаклашувчи комиссияси аниқланган барча муаммо ва камчиликлар туман ҳокими И. Ҳа кимбоевга кўрсатиб ўтилди. Шунингдек, комиссия ва жойлардаги ишчи гуруҳлари аъзоларига яқинлашиб келаётган сайловлар жуда муҳим, жиддий ва масуулиятли тадбир эканлиги яна бир бор уқтирилиб, юқоридеги камчиликларни қисқа муддатларда бартараф этиш юзасидан тавсиялар берилди.



СУРАТДА: Чирчиқ шаҳар Ҳайдар Мақсудов маҳалласи сайловга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш ишчи гуруҳи раҳбари Анвар Лимов (ундан иккинчи) гуруҳ аъзоларига навбатдаги вазифаларни тўшунтирмоқда. **Еркебой БОТИРОВ олган сурат.**

Ечимини кутаётган муаммо

ЁМҒИР ЁҒМАЙ ТУРСА ЭДИ...

Агар ёғса Янгийўл тумани, Муқимий кўчаси 16-уйда яшовчи Зулиҳа Керимовага яна қийин бўлади. Шундоқ ҳам қизи ва 3 невараси билан яшайдиган уй-жойи хароб аҳволда. Бундай бўлишида унинг зиғирча ҳам айби йўқ.

Гапни бир бошдан бошласак, Муқимий кўчаси пастида жойлашган бўлиб, тепа томондан Мевазор кўчаси ўтган. Илгари Мевазор кўчасининг ўз ариғи бўлган. Оқова ва қор-ёғим сувлари ариқдан оқиб бориб, тўғри Куркулдак сойга тушарди. Кўчадаги хонадонлар ариқ устига бетон ётқизиб, девор қуришни бошлашган. Натижада ариқ сувлари қувурлар орқали пастига қараб оқиб кетадиган бўлди. Пастидаги Муқимий кўчасининг ариқлари тўлиб-тошган, ёғим сувлари тўғри бечора пенсияонернинг уйига сизиб кира бошлади. 3-4 йилдан бери оқиб келадиган сув сатҳи 25-30 сантиметрга кўтарилди.

– Ёғимр ёғадиган кунлар яқинлашиши билан юрагимиз беэзиллаб туради, – дейди Зулиҳа Керимова. – Тепа кўчадагиларнинг қил-

ган ноҳўя иши касрига биз қолганмиз. Уларнинг эса, парвойиқалар. Уй ва томоркага сув тошиб кирганида, оёқ босгани жой тополмай қоламиз. Ёғимр сувлари етмаганидек, канализация оқавалари ҳам қўшиқлиб оқиб келади.

(Давоми 2-бетда).



Яна тўловлар ҳақида

ҚОНУНГА БЕПИСАНДМИСИЗ, АКАЛАР?

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 22 августдаги "Электр ва иссиқлик энергиясидан фойдаланиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарори соҳадаги қонунбузилишларнинг олдини олишга хизмат қилмоқда. Қарор ижросини таъминлаш мақсадида "Тошкент электр тармоқлари" очик акциядорлик жамияти ва шаҳар, туман электр таъминоти корхоналари истеъмолчиларга узуқсиз электр энергиясини етказиб бериш бўйича муайян ишларни амалга оширмоқда. Унинг ҳақини ундиришга келганда эса...

Шу сабабли ҳозир соҳа ходимларининг юмуши ҳам, ташвиши ҳам кўпайгандан-кўпайган. Илгари фақат электр энергиясини етказиб беришда узилишлар бўлмаслиги учун жор уқтирилган бўлса, энди бу вазифаларига қўшимча равишда электр ҳақини вақтида тўламаётган хонадонларга қайта-қайта бориш-

га мажбур бўлаётдилар. Бу эса, ортқача вақт ва мустаҳкам асаб талаб этимоқда. Истеъмолчиларнинг қарзларини қайтариш ҳамда электр энергиясини тўловларини тўлиқ ундириш билан шугулланувчи ишчи гуруҳлари ташкил этилган. Худудларга бириктирилган 297 та ўчириш гуруҳи охириги чора сифатида электр энергиясидан ноқонуний фойдалаётган фуқароларнинг хонадонини тармоқдан узишга мажбур бўлмоқда. Ой бошидан бери 1569 та юридик истеъмолчи тармоқдан узилган бўлса, 17 минг 328 фуқаро ҳам чиросиз қолди. – Истеъмолчилардан электр энергиясидан қонун-қоидага асосан фойдаланишларини сўраймиз, – дейди "Тошкент электр тармоқлари" очик акциядорлик жамияти энергия сойтиш хизмати бошлиғи Иzzат Иброҳимов. – Шу билан бирга фойдаланилган электр ҳақини вақтида тўлашларини талаб қиламиз.

Минг афсуски, шунча саъй-ҳаракатларга қарамай, кўра-била туриб, электр энергиясидан узоқошимчилик билан фойдаланаётган фуқаролар ҳамон учраб турибди. Бўжа тумани "Кўкорол" қишлоғида яшовчи Ф. Пардабоевни шундайлар сирасига қўшиш мумкин. У оқу қорани танийдиган ерда, Шунга қарамай, уйдада электрдан ноқонуний фойдаланиб келган. Ходимлар кўриқ ўтказишаётганда ҳисоблагичдан ташқари усқуналарни қўлбўла тарзда ўрнатиб олганлиги аниқланди. Унинг ҳамқишлоғи О. Азизов ҳам анойилардан эмас экан. Узоқошимчилик билан ҳисоблагични тўхтатиб қўйиб, электрдан фойдаланган.

Электр плитадан фойдаланишнинг оддий қоидаларини "унутиб" қўйгани О. Тошбоевга қимматга тушди. Энди унинг хонадониде анча вақт чироқ ёнмаса керак. Паркент туманида ҳам электр энергиясидан устоимчилик билан фойдаланиб, соҳа ходимларининг кўзини шамғалат қилаётганлар чиқиб қолди. Сўқоқлик Т. Жураев "куза куниде синиши"ни унутди чоғи. Ҳисоблагич ойнаси ва қопқоғи орасига пленка қўйган, натижада рақамлар айлананишдан тўхтаган. Назаримизда у назоратчилар бу "ихтиро"нинг тағига етмаса керак, деб ўйлаган.

Ангрен шаҳри "Наврўз-1" маҳалласида яшовчи Қ. Қодировнинг хатти-ҳаракати ҳаммасидан устоб тушди. У электр ҳисоблагич ўрнатмасдан, ҳатто идорадан тегишли рухсат олмаган ҳолда энергиядан фойдаланиб келган. Янгийўл тумани Бўзусов ҳам электр энергиясидан ўғринча фойдаланишни "эплай олмади". Унинг бу қонунбузарлигига чек қўйилди. **Хуршида МҰМИНОВА.**

21 октябрь – «Давлат тили тўғрисида»ги Қонун қабул қилинган кун

ТИЛ – МИЛЛАТ РУҲИ

Қишлоғимизда Музаффар исмли йғит бор. Фуқаролик паспорти бўйича фамилияси Бойматов, отасиники эса Бийматов. Паспортлардаги "и" ва "о" ҳарфларидаги чалқашлик сабаб, ота бечора ўз номидаги уй-жойни ўғлига расмийлаштириш учун салкам икки йилдан бери сарсон. Туман нотариал идорасидаги масуул ходимлар: "Фамилияларнингиздаги чалқашликни тўғриламагунингизча, уй-жой ҳужжатларини ўғлингиз номига расмийлаштира олмайсиз", дея сарсон-саргардон қилишмоқда.

Қишлоғимизда шунга ўхшаш чалқаш фамилиялар оз эмас. Масалан, "Ёқубов – Яқубов, Фаниев – Ганиев, Исоқов – Исақов, Омонбоев – Аманбаев, Қораев – Қараев, Юлдашев – Юлдашев..." Эҳ-ҳе, бундай фамилияларни яна кўплаб келтириш мумкин. Бир пайтлар туман ФХДЕ идорасида ишлаган масуул ходимлар тўғилганлик тўғрисидаги гувоҳномаларга юқоридеги каби исм-шарифларни русча талаффузда ёзиб юбораверишган.

1989 йил 21 октябрда Ўзбекистон Республикасининг "Давлат тили тўғрисида"ги Қонуни қабул қилинди. 1998 йилга келиб, жамиятимиз тараққиёти талабларидан келиб чиқиб, унга зарур ўзгаришлар киритилди. Қонуннинг 12-моддасида: "Ўзбекистон Республикасида фуқаролик ҳолатини қайд этувчи ҳужжатлар ҳамда тури шаҳар-датномалар республика давлат тилида ёзилади. Миллатларора муомала тилида таржимаси тақрирланади", деб белгилаб қўйилган. Республика Конституциясининг 4-моддасида ҳам ўзбек тилининг мустақил мамлакатимиз ҳаётидаги ўрни алоҳида эътироф этилган. Жумладан, "Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ўзбек тилидир. Ўзбекистон Республикаси ўз худудидеда истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилинишини таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратилади", дея қонун билан мустаҳкамланган. Зотан, миллатнинг маънавий-маданий меросини ўзлаштириши ва миллий юғни ривожлантиришда тил асосий

омиллардан бири бўлиб хизмат қилади. Юртбошимиз таъбири билан айтганда: "Ўзликни англаш, миллий онг ва тафаккурнинг ифодаси, авлодлар ўртасидаги руҳий-маънавий боғлиқлик тил орқали намоён бўлади. Жамияти эзгу фазилатлар инсон қалбига, аввалло, она аллоси, она тилининг бетакорро жойибаси билан сингади. Она тили – бу миллатнинг руҳидир".

Маълумки, мустақил бўлмай туриб, ҳеч қандай миллий тил ривожлана олмайдди. Истиклол шарофати ила тилимиз эркин нафас ола бошлади, мавқеини тиклади. Шу ўринда Давлатимиз раҳбарининг қуйидаги фикрларини эслаш жоиз: "Тарихдан маълумки, бир халқни ўзига тобе қилишни истаган қўллар, аввалло, уни ўзидан, тарихидан, маданиятидан жудо қилишга интилади".

Эндиликда улуг аждодларимиз яратиб қолдирган гоёт бой ва ранг-баранг маънавий меросимиз, она тилимиз тикланиши, халқимиз ҳаётига янги мазмун бахш этмоқда.

...Ўзбекингиз ўзаги улар сенисиз, Ўзбекингиз ўзалиги булар сенисиз. Ўзбекингиз ўзи ҳам тўзгай сенисиз, Жон тилим, ўзингизга айтсам мен энди... Ўзбекистон халқ шоири Махмуд Тоир ўзининг ушбу ўтти сатрлари билан барчамизни она тилимизни авайлаб-асрашга чорлаётди. Шундай экан тилимиз софлигини асраш барчамизнинг бурчимиз эканини унутмайлик.

Латифжон МАНСУРОВ, Юқори Чирчиқ туман топонимик объектларга ном бериш комиссияси аъзоси.

МҰЪЖИЗАКОР КУЧ

Инсоннинг инсонлиги энг аввалло, тилда намоён бўлади. Ҳазрат Навоий: "Инсонни сўз айлади жудо ҳайвондин" деганларида айни шу фикрни назарда тутган.

Ота-онадан фарзандларга, аждодлардан-авлодларга ўтиб, яшаб келаётган ва халқ тилига, миллат тилига айланган тил – Она тилидир. Файласуфлар айтганидек, тилда халқнинг бору йўғи, Ватани гавдаланади. Тил – халқнинг ўтмиши, бугуни ва келажигини буюк бир яхлитликка, жонли бир жипсликка айлантирувчи мўъжизакор кучдир. Шу сабаб маърифатпарвар бобомиз Абдулла Авлоний тилни миллат

руҳига қиёслади: "Ҳар бир миллатнинг дунёда борлигини кўрсатадигон ойнаи ҳаёти тил ва адабиётдур. Миллий тилни йўқотмоқ – миллатнинг руҳини йўқотмоқдур".

Хулоса шунки, ўзбек тили мустақил давлатимизнинг байроғи, герби, мадҳияси, Конституцияси қаторида турадиган, қонун йўғи билан ҳимоя қилинадиган муқаддас тимсоқлардан бирига айланади. (Давоми 2-бетда).

Дахлдорлик ҳисси

Инсоният бугунги кунда қатор но-керак урушлар, экологик фалокатлар, маънавий қашшоқлик, наркотики бизнес, терроризм каби чегара билмас муаммоларга дуч келмоқда. Ри-вожланган мамлакатлар саноят маҳ-сулотлари, инфорацион таъсир кўрсатиш омиллари орқали кенг кўламли геосиёсат юритибгина қол-май, ўз мафқураси ва у орқали ўз халқи табииати, феъл-атвори, мента-литетининг дунё халқлари турмуш тарзига, ҳаётининг барча жабҳала-

рига изчил синдиришга ҳаракат қил-моқда. Шу билан бирга дунёда гло-баллашув, ахборот оқимининг тезла-шуви универсал технологиялар бил-лан боғлиқ умумбашари жароёнлар ҳам тобора чуқурлашиб бормоқда. Бир сўз билан айтганда, дунёнинг турли бурчакларида инсон қалби ва онгини эггаллаш учун кураш тобора кучаймоқда. Зеро, Юртбошимиз таъ-бири билан айтганда: "Бугунги кун-да мафкура полигонлари ядро поли-гонларидан ҳам кўпроқ кучга эга".

шув ва ажралишлар фавку-лодда зўрайиши, маърифий таъназулнинг чуқурлашуви ва саводсизлик ортиши ҳеч гап эмас. Давлатимиз раҳ-барининг "Юксак маънави-ят – энгилмас куч" асариде таъкидланганидек, бундай вазиятда одам ўз мустақил фикрига, замонар синови-дан ўтган ҳаётий-миллий қадриятларга, соғлом неғиз-да шаклланган дунёқараш

Хунарманд – 2013

ТАБИАТДАН АНДОЗА ОЛИБ...

Бўстонлиқда бир бор бўлган шоир шеър ёзмай, санъаткор уни куйга солмай, расмом бу гўзалликдан андоза олмай кетолмайди. Барчанинг дмаиға завқ-шавқ туйғусини бахш этадиган бу диёрнинг одамлари ҳам гўзаллик яратишга мойил.



ҳисса бўлиб қўшиладиган хунармандлар фаолияти янада жонланishi зарур. Зеро, чет эллик сайёҳларнинг эътиборини тортадиган тарихий обидалар, хушман-зара дам олиш масканлари каторида миллий хунар-мандчилик махсулотларимиз ҳам талаб даражасида бўли-ши керак. Бунга шубҳа йўқ. Кўргазмада иштирок этган яна бир тadbиркор ангреник хунарманд Шоҳиста Ма-диёрова тайёрлаган миллий куракчилик санъати намуна-лари – кийим-кечак, уй-рўзгор жиҳозлари, чимил-дик, кўрпа-ёстик, кўрпача гилофлари ҳам беъзтибор қолмади. Ҳар бири ўз маъ-но-маъмунига эга бу махсу-лотлар ҳақида "Хунарманд" уюмшиси аъзоси Шаҳрини-со Явмитова шундай дейди:



– Мана бу жуда нозик ти-килган курак парчаларидан яратилган кўйлак келинлар-га мос. Устозимиз Шоҳиста опа раҳбарлигида тикилган бу келинлик либоси ёш оила мана шу кураклардек мустаҳкам бўлсин деган ни-ятда тайёрланган.

– Ҳар ҳолда бу миллий нақшлар, анвойи рангларда товланиб турган либосларимизга қизиқувчилар кам эмас. Қолаверса, чет эллик сайёҳлар махсулотларимиз-ни ўзбекистондан эсдалик, совға деб олиб кетишади.

Дарвоқе, Машкураҳон яқинда "Ўзэкснопарказ" да-ги "Ипак йўлида туризм" XIX Тошкент халқоро сайёҳлик кўргазмасида вилоятимиз хунармандлари амалий си-фатида катнашиб, иштирок-чилар эътиборига тушди. Тўғри, кўргазмада Самар-қанд, Бухоро, Фарғона, Қашқадарёдан келган хунармандларнинг бири-бирдан гўзал миллий либос-лари, осорнатикаларидан қилинмайдиган махсулотлар тайёрлаш учун ҳали кўп из-ланиш керак бўлади. Зеро, Юртбошимизнинг Тошкент вилоятида туризмни ривож-лантиришга алоҳида эъти-бор бериш ҳақидаги қўрсат-маси асосида олиб бори-лаётган ишлар самарасига

Сайёра РИХСИЕВА, "Тошкент ҳақиқати" муҳричиси. Даврон АХМЎД олган суратлар.

ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ВА МАФКУРАВИЙ ХУРУЖ

Таассуф билан тан олиш керакики, диний ақидапа-растлик ва терроризм, "де-мократияни олға силжи-тиш" га уришилган, ахборот хуружлари, гарбона турмуш тарзини тикиштириш, маъ-навий қашшоқлаштириш ҳаракатлари, буюк давлат-чилик тафаккури ва импе-рияча фикрлаш хуружлари фуқаролик жамияти шакл-ланишига жиддий хавф тур-диришмоқда. Ушбу мафкура-вий хуружларнинг олдини олиш ва қарши курашиш чора-тадбирларини ишлаб чиқмаслик оқибатида фуқаро-лик жамияти куришини ўз олдиға мақсад қилиб қўйган мамакатларда кўплай муам-молар келиб чиқishi мумки-ни. Хусусан, шахсининг дав-латга, жамият тузилмалари-га муносабатиде ишонсиз-лик уйғониши, миллий бир-ликка интилишдан кўра, гурӯх, этник, маҳаллий ва худудий айирмачиликка бе-рилиш ҳамда ҳаётга рацио-нал, яъни ақл ва хушёрлик билан ёндашувдан кўра, иррационал ёндашув куча-йиши, одамларнинг маъна-вий паноҳ излаб мутаассиб-ликка, диний фанатизмга, ахлоқий агрессивлик ва максимализмга берилиши, худудий, сулолавий, жамоа-вий неғизлардаги бегонала-

ва мустаҳкам иродаға эга бўлмаса, ҳар турли маъна-вий таҳдидларға, уларнинг гоҳ ошқора, гоҳ пинҳона қўрилишидаги таъсирчи бар-дош бериши амримаҳол. Шундай таҳликали дунё-да миллий мафкура давлат-чимиз мустақилигини муста-таҳкамлаш, миллий ўзлики-ни химоя қилиш, маданий ўзига хосликни асраш ва ахборот хуружларидан химояланишининг маънавий-маърифий қуроли сифатида намоён бўлади. Одамлар онгини бошқариш ҳаракати-да юрган кучларнинг доми-ға тушиб қолмаслик учун Юртбошимизнинг ушбу қўрсатмаларига қатъий амал қилиш талаб этилади: "...мамлакатимиз ва унинг атрофида содир бўлаётган воқеа-ходисаларға доимий дахлдорлик ҳисси билан яшашимиз даркор. Токи шу юрда яшайдиган ҳар қайси инсон шу мураккаб жараён-лардан ҳар томонлама ха-бардор бўлиб, уларға нисба-тан ўз фикри ва муноса-батига эга бўлсин, нима ҳақиқату нима бўҳтон ва уйдирма эканлигини англаб ета олсин. Чунки ҳозирги даврда, халқоро майдонда турли сиёсий манфаатлар тўқнашаётган мураккаб бир шароитда фақат ўз фикри,

МЎЪЖИЗАКОР КУЧ

Шунинг билан бирга мамлакатимизда бошқа тил-да сўзлашувчи ватандошларимизнинг ўз урф-одат ва қадриятлари сингари, она тилларини ўрганиш, сақлаш ва ривожлантириш учун қонуний шарт-шароитлар ҳам яратиб берилди. Тил – Ватаниннинг ра-ванки, маданият ва маъна-вият, илм-фан тараққиёти билан юксалади ва айнаи пайтда унинг ўзи ҳам шу эгзуликка бевосита хизмат

қилади. Бу – мамлақати-миз мустақиллигининг ўтган даврлари, қолавер-са, айнаш шу кунлариде ҳам ўз исботини топмоқ-да. Мустақиллигимиз мус-таҳкамланиши баробарида она тилимиз ҳам мустаҳ-камланди, Ватанимиз, ҳаётимиз равнақиде у ҳам равнаққа эришмоқда. Чун-ки, миллат маданияти юк-салган сари она тили ҳам юксалаверади. Айнаи кунларда жойлар-да 21 октябрь – Давлат тили куни байрами муно-

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида халқ амалий санъати ва хунармандчилигини ривож-лантиришға қаратилаётган юксак эътибор самара-сида миллий кулолчилик анъаналари кайта тикла-ниб, ривож топаётди. Хунармандчиликни пухта ўрга-ниб, аждоқлари ишини давом эттираётган ёшлар сафи тобора кенгаймоқда.

ЧИННИЛАРДА АКС ЭТГАН ҚУВОНЧ

Улардан бири – оҳанга-ронлик Суннатилла Хўжа-кедиев сопол идишларға беаза беришининг ҳадисини олган. У жорий йилда "Сер-вис асл чинниси" хусусий корхонаси фаолиятини йўлга қўйиб, турли хил чинни идишлар ҳамда чойнақлар ишлаб чиқара бошлади. – Болалигимдан кулол-чиликка, нақшошқа қизи-қаман, – дейди С. Хўжаке-диев. – Бу хунарни дастлаб



Равшан МИРЗАҚУЛОВ олган сурат.

СУҒУРТА ХИЗМАТИ ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида "Ўзагросуғурта" суғурта компанияси томонидан аҳолиға кўрсатилаётган суғурта хизматлари турлари янада такомиллаштириш, миқозларға имти-ёз ва афзаллик яратиш ҳақида матбуот ан-жумани ўтказилди. "Ўзагросуғурта" компа-нияси бошқаруви раисининг ўринбосари Ихтиёр Нуру-хамедов ва бошқалар мам-лакатимизда суғурта соҳа-сини такомиллаштиришға йўналтирилган ислохотлар ўзининг юксак самаралари-ни бераётганини таъкидла-ди. Ҳозир мамлакатимизда ўттиздан ортик суғурта компанияси аҳолиға ўнлаб тур-даги хизматларни кўрсат-моқда. Ушбу хизматлар рўйхати йилдан-йилға кен-гайиб, суғурта муқофотлари ва тўловлар миқдори орт-моқда. Президентимиз Ис-лом Каримовнинг 2008 йил 21 майда қабул қилинган "Суғурта хизматлари бо-зорини янада ислох қилиш ва ривожлантиришға оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори бунда муҳим омил бўлиб хизмат

ўрнатилган газ ускунаси-дан фойдаланиш оқибатида юз бериши мумкин бўлган ҳодисалардан суғурта қи-лиш, шаҳарларда йўна-лишда қатновчи автобус йўловчиларини бахтсиз хо-дисалардан суғурта қилиш, кўп қаватли бинолардаги уй-жойни комплекс суғурта-лаш, жисмоний шахсларға берилган пластик карточка-ларни, талабаларни бахтсиз ҳодисалардан суғурта қи-лиш қабилар амалиётға жорий этилди. Президентимиз Ислам Каримов томонидан 2013 йил 14 февралда имзолан-ган "Обод турмуш йили" Давлат дастурининг муҳим устувор йўналишларини амалға ошириш доирасида компания томонидан худуд-ларда, айнқисса, олис ва бориш қийин бўлган қишлоқ жойларда суғурта полиса-ларини сотиш ишларини кен-гайтириш орқали қарийб тўрт юзта янги иш ўрни яратилди. Сайёра ШОЕВА, ўза муҳбири.

(Давоми. Боши 1-бетда).

отамдан, кейин бошқа уста кулоллардан ўргандим. Айнаи пайтда устахонамизда чойнақ, пиёла, коса, куза ва бошқа уй-рўзгор буюмлари тайёрлялдим. Яқинда банкдан олинган кредит эвазига корхонаға янги қолиплар олиб келин-ди. Бу ишлаб чиқараётган махсулотлар сифатини яна-да яхшилашға хизмат қилади. Ўза.

ЁМҒИР ЁҒМАЙ ТУРСА ЭДИ...

Сувлар оқиб тушавергани-дан Мўқимий кўчаси ўйдим-чүкур бўлиб кетган. Бу кўча-дан юрадиган машиналарға раҳмингиз келасди. Мўқимий маҳалласи фуқаро-лар йиғини раиси Манзура Низомованин уйи сув тошиши эмас, аксинча, ер силкинishi оқибатида кулаб тушганини таъкидлагани ки-шини ажаблантиради. Бу билан зиммасидаги вазифа-ни ўзидан соқит қилмоқчи-ми? Кўра-била туриб, воқеа-ни хаспўшлаш ёши бир жой-ға бориб қолган онахонға қимматта тушаётганин уйла-мадимикин?! Раиснинг ёзишича, "Ба-ҳор" маҳалласи раисига те-падан оқиб тушадиган сув-ларни қурурлар орқали ариққа тўғирлаш, Мўқимий кўчасида яшовчи фуқаро-ларға хашар ёрдамида ариқни кенгайтириш лозимлиги тўғрисида оғзаки тушун-тирилгани айтилган, холос. На бир амалий иш, на бир кўмак берилмаган. Маҳалла раиси ваколатиға бу ишлар кирмай-дими? Унинг иши фақат оғза-ки тушунтиришдан иборатми? – Ўтган йил 13 май куни уйимизнинг бир қисми тўки-либ тушганида, қаттиқ ваҳи-ма босди, – дейди Зулиҳа Керимованин қизи Элвина Белялова. – Анча пайтгача ўзимизға келолмай юрдик. Ёмғир ёғиб, сув тошадиган кунлари, хатто фарзандла-римни мактабға жўната ол-майман. Боши кийимдан тор-

тиб пойабзалларига жикка хўл бўлиб кетади. Қўшиллар-нинг томидан олиб кўчаға чиқамиз. Бу кетишда уйимиз-нинг иккинчи қисми ҳам кулаб тушишидан хавотирда-миз. Шундан кейин, 23 май куни туман ҳокимлиги, фав-куллодда вазиятлар бўлими вакиллари, Мўқимий маҳал-ла фуқаролар йиғини раиси Манзура Низомова ва фуқаро-лар иштирокида уйнинг ҳола-тини ўрганиб чиқиб, дало-латнома тузишди. Унда ҳақиқатан ҳам Мевазор кўча-синдан оқава ва чикинди сув-ларни фуқаронинг уйига оқиб

тушиши таъкидланди. "Нати-жада аризачининг уйини сув босиб, захлаб кетган. Хона-лар пойдевори мўртлашгани сабабли уйнинг бир қисми кулаб тушган. Шунини инобат-ға олган ҳолда ҳомийлик ёрдами кўрсатиш лозим" дея имзо чекилган. Мутасаддилар ҳозир уйни тиклаш қанчаға тушишини билишмайди чоғи, атиги 200 минг сўм моддий ёрдам кўрсатилган. Ёки аризачи-нини оғзини ёпишга шу пул етади, деб уйлашдимикан? Берилган кўмак пули уйни таъмирлашда урвоқ ҳам бўлмади. Саёр косаси тўлган

Зулиҳа Керимова шу йил 4 октябрда туман "Маҳалла" жамоат фондига мурожаат қилиб, ёмғирли кунлар бош-лангунча ёрдам беришлари-ни илтимос қилди. Ушан-дан бери пенсионернинг икки кўзи кўча эшигига ти-килган. Бундан ташқари, "Мева-зор" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Искандар Мир-затовға (13 август), Мўқи-мий маҳалласи раиси Ман-зура Низомоваға (16 август) ёзган аризаси ҳамон жавоб-сиз қолмоқда. Орадан шун-ча вақт ўтса-да, раислар бир чора қўллаш ҳақида ҳануз

уйлаб кўришгани йўқ. Искан-дар Мирзатове кампир шўрликка 1 октябрға курув-ларини олиб ташлашни ваъда қилганди. Лекин ваъда ваъ-далигича қолиб кетди. Зулиҳа Керимованин айт-тишча, ёмғир ёққан кунла-ри бир неча бор сувини чиқар-иб ташлайдиган насос кел-тиришға мажбур бўлган. Қўшилларнинг дарду хас-ратидан ҳам чанг чиқади. Улар бу машамлашарға ечим тополмай, бошларини қай деворға уришни билишмай-ди. – Бу ерда 50 йилдан бери яшайман, – дейди ўнг қўшни Нихола Ҳақимова. – Уйим-нинг деворлари дарз кетди. Меҳмон қақришға уялман. Яна бир девор-дармиён қўшни Зулхумор Юсупова уйининг ертўласини заф бо-сиб кетган. Дард устиға чипқон деган-ларидек, Зулиҳа Керимова-нин уйи кулаб тушганида газ қуруриға ҳам зарар етганди. Туман газ таъминоти идора-сидагилар эътиборсизлик қилиб, қувурни қўлбола тарзда латта-путта боғлаб, улаб кетишган. Энди пен-сионернинг бир дарди икки бўлди. Чунки эрта-индин улама жойдан газ сизиб чи-қиб, фалокат юз бериши ҳеч гап эмас. "Тошкент ҳақиқати" газе-таси таҳририяти бу муаммо ечимини қузатишни давом эттиради. Хуриҳа ТУРСУНБОЕВА, Даврон АХМЕДОВ (суратлар), "Тошкент ҳақиқати" муҳбирлари.



(Давоми. Боши 1-бетда).

Спорт

Бирлашган Араб Амирликлариди футбол бўйича 17 йиллик ўсирилар ўртасида жаҳон чемпионати бўшланди. Халқаро футбол уюшмалари федерацияси - ФИФА шифелигида ўн бешинчи маротаба ташкил этилган ушбу нуфузли мусобақада дунёнинг энг кучли 24 мамлактаги ўсириллар терма жамоалари голиблик учун ўзаро куч синашмоқда.

17 октябрдан 8 ноябрга қадар давом этадиган мундиалга Бирлашган Араб Амирликларининг Ал-Айн, Дубай, Шаржа, Абу-Даби, Рас-Ал-Хайм ва Фужайра шаҳарлари мезбонлик қилмоқда.

Осиё чемпиони сифатида жаҳон чемпионатида иштирок этаётган Ўзбекистон ўсириллар терма жамоаси "С" гуруҳида Хорватия, Панама ва Марокаш футболчилари билан рақобатлашади. Ушбу гуруҳ ўйинлари Фужайра шаҳридаги стадионда бўлади.

Жаҳон чемпионати қондасига биноан, олти гуруҳнинг ҳар биридан дастлабки икки ўринни эгаллаган ҳамда учинчи ўриндаги энг яхши кўрсаткичга эга бўлган яна тўрт терма жамоа мусобақанинг плей-офф босқичига йўланма олади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, бугун футбол юксак тараққиёт эгачи даврда жаҳон чемпионатида тўп сурши имконияти ҳар кимга ҳам насиб қилмайдиган. ФИФАга аъзо икки юздан зиёд мамлакат футбол федерацияларининг ҳар бири жаҳон чемпионатида ўз футболчиларини кўришни истайдиган. Лекин Бирлашган Араб Амирликлариди бошланган мусобақада жаҳоннинг энг кучли йигирма тўрт терма жамо-

ФУТБОЛЧИЛАРИМИЗ - ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИДА



аси иштирок этмоқда. Ўзбекистон ўсириллар терма жамоасининг кетма-кет иккинчи маротаба ўсириллар ўртасидаги жаҳон чемпионатида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритгани Президентимиз Ислам Каримов раҳнамоллигида мамлакатимизда спортни, жумладан, футболни ривожлантиришга қаратилаётган доимий эъти-

бор самарасидир. Бундан икки йил муқаддам Мексикада ўтган ўсириллар ўртасидаги жаҳон чемпионатида илк маротаба қатнашган ёш футболчиларимиз ҳалол ўйини, истеъдод ва маҳорати билан Ўзбекистонимизни дунёга янада кенгроқ танитиди, серкуёш

Бугун мамлакатимизда моҳир футболчиларнинг янги авлоди тарбияланмоқда. Болалар ва ўсириллар футбол мактаблари, ихтисослаштирилган мактаб-интернатлар, олимпия заҳиралари коллежлари, футбол мактаблари ва академиялари фаолиятининг замон талаблар-

билан таъминлаш, малакали мураббийлар ва ҳакамлар тайёрлаш ишларини янада кучайтириш - доимий эътиборда. Осиё чемпиони сифатида мундиалга йўл олган Ўзбекистон ўсириллар терма жамоасининг бўлажак мусобақага пухта тайёргарлик кўриши учун барча шароит яратилди. Кучли саралашдан муваффақиятли ўтиб, терма жамоа таркибидан жой олган футболчилар тажрибали мураббий Дилшод Нуралиев раҳбарлигида ўн ўқув-машғулот йигинида тажриба ва маҳоратини оширди. Айниқса, Австрия ва Испанияда ташкил этилган йигин ва турнирлар футболчиларининг учун анча самарали бўлди.

рига мос йўлга қўйилгани бунда муҳим омили бўлаётди. Президентимиз Ислам Каримовнинг 2006 йил 1 майда қабул қилинган "Ўзбекистонда футболни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ, болалар ва ўсириллар футболни ривожлантириш, янги ўқув-машғулот масканларини бунёд этиш, футбол мактаблари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш борасида катта ҳажмдаги ишлар амалга оширилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2011 йил 19 январда қабул қилинган "2011-2013 йилларда республикада футболнинг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш ва уни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига мувофиқ янги стадионлар барпо этилиб, мажмуалари таъмирланмоқда. Болалар ва ўсириллар футбол мактабларини замонавий спорт инвентарлари



ФИЛИППИДА НАВБАТДАГИ ЗИЛЗИЛА

Маҳаллий The Philippine Star нашрининг хабар қилишича, Филиппинда ўз берган наватдаги зилзила оқибатида аниқлик киритилган маълумотларга кўра, 156 киши ҳалок бўлди.



Хукумат эълон қилган маълумотларга қараганда, табиий офатдан 374 киши жабрланди, 22 киши бедарак йўқолганлар рўйхати киритилди. Зилзила Бохол оролида айниқса жиддий вайронгарчиликлар келтирди. Бу вилоятда қурбонлар

сонини 144 кишига етди. Шунингдек, Себу ҳамда Сикхор вилоятларидан ҳам қурбонлар борлиги ҳақида маълумотлар келтирилди. Бу галги ер силкинishi сейсмологларнинг айтишича, 7,2 магнитуда кучга эга бўлган. Шундан сўнг яна мингдан зиёд тебранишлар қайд этилди. 605 та бино бутунлай вайрон бўлди. 1400 объект жиддий шикастланди. Зилзила Бохол оролига 1,73 миллион доллар миқдориди зарар келтирди.

САЙЁҲЛАР УЧУН МАХСУС ПОЛИЦИЯ

Жанубий Кореяда сайёҳларга ёрдам берувчи махсус полиция бўлими ташкил этилди, дея хабар тарқатди AFP агентлиги.



Янги бўлима таркибига 100 га яқин ёш ходимлар киритилди. Уларнинг ҳаммаси инглиз, япон, хитой каби хорижий тилларда бемаълум сўзлаша олади. Ҳар бир полициячининг қайси тилда раво сўзлашиши унинг кўкрагига тақилган махсус белгида кўрсатиб қўйилган. "Такси ҳайдовчиси ёки

кўчада ул-бул егулик сохтаётган маҳаллий аҳоли ўзларини алдаганликда гумон қилган сайёҳлар бизга муурожаат этишлари мумкин, - деди полициячилардан бири. - Биз бу муаммонни тезда ечишда уларга ёрдам берамиз". Мамлакат туризм ассоциацияси президенти ҳам сайёҳларни хотиржам қилиш мақсадида шундай деди: "Ушбу махсус полиция мамлакатимизда чет эллик сайёҳларга нисбатан хавф-хатар борлиги учун ташкил этилган йўқ, аксинча, бу ёш полициячилар хавфсизлик рамзига айланган даъват этилганлар".

КОКАИН ОҚИМИ ТЎХТАТИЛДИ

Британия полицияси Жанубий Америка кокаини мамлакатга кириб келадиган йirik канални йўқ қилгани ҳақида хабар тарқатди Reuters агентлиги.



Полиция ходимларининг ҳиқоя қилишича, майда халтачаларга жойланган гийёҳандлик моддаси контейнерлар ичи га яширилди, Мехикодан Лондоннинг "Хитроу" аэропортига юк самолётларида олиб келинаркан. У майдонга қўниши билан боғжона ходимлари кўздан кечирини бошлагунарларича, мафия томонидан ёллан-

ган ходимлар контейнерлардаги гийёҳандлик моддаларни аэропортдан олиб чиқишга улгуринлар экан. Шундан сўнг кокаин Лондондаги йirik гийёҳандчиларга етказиларкан. Полиция уюштирган рейд давомида 11 киши ҳибсга олинди. Бундан ташқари, анчагина тоза кокаин моддаси қўлга туширилди. Унинг қиммати бир неча миллион фунт стерлингга тенг.

Энг муҳими, "оқиллона ташкил этилган, яхши ўйланган ва аниқ ҳаракат қиладиган" йirik жиноятчи тароқ йўқ қилинди.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

САВДО МАРКАЗИДА КУЛИШ ЭЎНИН

Таиланднинг Пхукет курорт оролидаги йirik саудо марказида кучли ёнғин юз бергани ҳақида хабар тарқатди The Bangkok Post газетаси.

Ёнғин саудо маркази ҳудудида ҳўлаб харидорлар ва мингдан зиёд ходимлар тўпланган пайтда юз берди. Газета келтирган маълумотларга кўра, ёнғин содир бўлган жойда 50 тадан кўпроқ ўт ўчириш машиналари ва камиди 300 ўт ўчирувчи ҳаракат қилмоқда. Орол ҳукумати ҳамда шошилинч хизмат вакиллари ҳозирча қурбон бўлганлар ёки



жабр қўрганлар ҳақида маълумот тарқатишмаяпти. Бироқ, маҳаллий оммавий ахборот воситалари воқеага бевосита гувоҳ бўлганларнинг ҳиқоялари асосида ёзишчи, ёнғин чоғида бир неча киши ҳалок бўлди. Аммо, аниқ рақам келтирилмади.

Дастлабки таҳминларга кўра, электр тармоғида ўз берган қисқа туташуви ёнғин келиб чиқишига сабаб бўлган ва атрофга сачраган учкун ёнигли сақланаётган идишлар устига тушган.

ЎЙНИНГ ЯРИМ ВАЙРОН БЎЛДИ

Хитойнинг шимоли-шарқий ҳудуди - Россия билан чегарадош Хэйлунцзян вилоятидаги турар-жойлардан бирида юз берган кучли портлаш оқибатида камиди 2 киши ҳалок бўлди, 17 киши жароҳатланди.

Синхуа агентлиги хабар беришича, ушбу фалокат оқибатида биронинг ярми вайрон бўлган. Дастлабки маълумотларга қараганда, тармоқдаги носозлик туфайли газ сизиб чиқиб, тўпнани қолгани кучли портлашга сабаб бўлган. Фалокат юз берган жойда кутқарув ишлари давом этмоқда.

Кўргазма

ТИКЛАНИШ ЙЎЛЛАРИДА

Пойтахтимиздаги Миллий санъат марказида "Ижод" ассоциацияси аъзолари Насиба Аҳмедова ва Дилфуза Қўчқорованинг ижод намуналари қўйилган "Тикланиш йўлларида" мавзудида кўргазма очилди.

Насиба Аҳмедова "Базар-арт" кўргазма ярмаркаси дипломанти ва "Асрлар садоси" фестивалларининг доимий иштирокчиси. Либлик дизайнери сифатида у Ўзбекистон халқларининг тарихий ва этнографик кийимларини ўрганиб, мамлакатимиз барча вилоятлари либослари акс этган миллий кўйриқлар коллекциясини яратди. Керамика, миллий мато ва тақинчоқлардан ясалган бу кўйриқлар юртимиз ва чет эллардаги қўллаб-шаксий коллекциялардан ўрин олган.

Ижодий ишлари намуналарини кўриш мумкин. Ижодкор Дилфуза Қўчқорова гилам тўқиш сирларини буvisи Анонрон момо ва онаси Момогул аядан ўрганган. Узининг биринчи гиламинини мустақил равишда 12 ёшида яратди. Ҳозирги кунда Дилфуза гиламдўзлик аъналарини давом эттириб, Зангиота туманида жойлашган устанонасида ёшларга гилам тўқишини ўргатмоқда. Кўргазмага қўйилган "Хива гилами", "Туркман", "Озарбайжон", "Кўёш", "Анонрон", "Қўшгул" деб номланган ва ёрқин ранглардаги бошқа қатор ижод намуналари ташриф буюрган илхосмандлару хунармандларда катта кизиқиш уйғотмоқда. Ҳасан АБДУНАЗАРОВ.

Кўргазмада унинг "Тошкент тўйи", "Тошкентлик оила", "Сурхондарёлик келин-куёвлар", "Фарғоналиклар", "Хоразмлик келин-куёви", "Туркман келин-куёви", "Қирғиз келин-куёви" ва бошқа қатор

Эҳ, сиз, одамлар

Қиз бола - нозик хилкат. Бир оғиз ширин сўз билан унинг кўнглини тоғдек култариш ва аксинча, арзимас хатти-ҳаракат билан шаънини оёқости қилиш мумкин.

Бугун Дурдонанинг туғилган кунини. 18 баҳорни қаршилаган қиз ёшлик инъом этган гўзалликдан баҳраманд бўлиб, гул-гул очилган. У оиладаги қизларнинг кенжаси. Хали-замон турмушга чиққан оилалар ҳам бола-чақаси билан келиб қолади. Уларига меҳмон сизимга кетади. Дурдона меҳмонхонада дастурхон тўзаб бўлиб, эндигина ховлига тушган эди, останада кимдир уни чақираётганини эшитиб, турган жойида қотиб қолди.

Маҳалларидидаги Вазира опа гўё ҳеч нарса бўлмагандек, қўлида чиройли атиргуллардан тайёрланган катта гулдат, совга-саломлар билан илжайиб турарди. Дурдона ҳар доимгидек унга пешвоз чиқиб кутиб олмоқчи эди, аммо тунов кунги гап-сўзлардан кейин қизнинг оёқлари ўзига бўйсунмай, қандайдир орта бурлиб кетганини билмай қолди...

Дурдонанинг онаси билан Вазира опа, отаси билан Эргаш ака неча йиллик қадрдон. Бир маҳалда яшаб, яхши-кунарлини бирга баҳам кўришган, биродар бўлиб, бир-бирларидан хабар олиб туришган. Бўлак ҳеч нарса йўқ. Аммо кечаги "пучқ қиз" бугун анчайин кўзга кўриниб қолгани Вазира опанинг кўнглидаги қуда бўлиш иста-



СОВГА

гани юзага олиб чиқди. Ахир, Вазира опанинг бир эмас, икки ўғли балоғат ёшида. Фақат келин тушириш учун уларнинг на маблағлари, на уй-жойлари тахт.

Ўтган сафарги ташрифини қўлчиликка келдим, деб изоҳлаган Вазира опа Гулбахор опа билан узоқ сўхбатлашди. Гап орасида ўғилларининг иши юришиб кетса, 2-3 йилларда тўй қилишини айтиб: "Дурдонани менга берасиз, хозирдан патир ушатиб қўйлик", деди. Уч кишини узашиб, қуда-андачиликнинг паст-баландини анчайин билган Гулбахор опа ҳар бир масалани бамаслаҳат, оғирлик билан ҳал этишга одатланган. Шу сабабли қўнчилигининг гаплари орият пардаларини чертиб ўтса ҳам ўзини оғир тутди. Аксинча,

ўзр сўраб, ёшлар ўртасида ҳеч қандай кўнгли иши бўлмагани боис қиз болани банд қилиб, бировни ишонтириб кўя олмаганини, жойи қисқа бу йил тўй қилиш нияти борлигини айтиди. Тарвузи қўлтигидан тушган Вазира опа нима қиларини билмай қолди. Гулбахор опанинг гапларини мушоҳада қилиб, Дурдонага бахт тилаш ўрнига ўша кундан бошлаб маҳаллада турли миш-мишлар тарқата бошлади. Қизлик уйга келаятган совчиларнинг йўлини тўсиб, Дурдона билан ўғлини фотиҳа қилиб қўйишганини, ёшлар бир-бирларини кўп йиллардан бери севишларини уқтиришдан ҳам уялмади. Бу гаплар айланиб Дурдонанинг, у орқали Гулбахор опанинг қулоғига етди. Бўхтонларга қўнчилик қанчалар қийин бўлса ҳам оиладагиларнинг барчаси оғир бўлишга ҳаракат қилишди...

Дурдона билан кўнлик билан табриқлайман. Сени албатта келин қиламан, оппоқ қизим.

Дурдонанинг аввалгидек қувонч тўла юзлари, меҳри қўларини қўраман деган Вазира опа қизнинг нафратли сўзларини эшитишни хаёлига ҳам келтирмаган эди. - Йўқ! Мени қизим деган! Сизиям, ўғлизиям ёмон кўраман. Гулнингиз, совгаларингиз менга керакмас. Қўзимга кўриммасангиз бас, шунинг ўзи менга катта совға!

Аллома АЗИЗОВА.

Жиноятга жазо муқаррар

БИЛИБ ТУРИБ... ТИКАНИИ БОСИШДИ

Бугун дунё миқосида содир этилаётган жиноятлар оқибатида ҳар кун миңдан зиёд киши оламдан қўз юмаяпти. Уларнинг айримлари очикдан-очик босқинчилик, талончилик қурбонига айланаётган бўлса, асосий қисми диний ва йirik келишимчиликлар, экстремистик ва террорчилик ҳаракатлари қурбони бўлишяпти.



Уйлаб қолсан киши, одамларга бу дунёда тинчгина, хотиржам яшаш учун нима этишмайди? Назаримизда биз айтмоқчи бўлган жойда умр кечириб ўтган инсонда етарли билим ва мулоҳаза бўлиши лозим экан. Акс ҳолда қилаётган ишининг туб моҳиятини тушунамай, оқибатини ўйламай, боши берк кўчага кирганини билмай қолиши ҳеч гап эмас экан.

Бугун глобаллашув жараёнларининг тезлашиб бораётгани, ахборот алмишинуви тобора шиддатли тўза олаётгани ҳам кишиларда таҳлил, мушоҳада каби билимга асосланган хислатларнинг дарз кетишига сабаб бўлаяпти. Айниқса, интернет орқали тарқатилаятган бир-бирига қарама-қарши ахборотлар, қарашлар яна бошқа турли ахборот оқимлари одамларни бундай хислатлардан йироқлаштириб қўймоқда.

Энг ачинарлиси, бундай ахборот хуружлари орасида қай бири

ҳақиқий, қай бири уйдирма эканини ажратиб олиш айримлар учун қийин кечаяпти. Бундай турли бузғунчи гоғларни кишилар онгига синдиришга бўлган интилиш борлигини англаш учун ҳам айримларнинг билими, мушоҳадаси етмаяпти. Турли норасмий диний ташкилотларнинг дин номидан сўз айтиш, кўпчиликни ортидан эргаштираётгани ҳам бор гап. Улар ортидан эргашаятган, соф дин илмининг ўрганишга чанқок чиқарилар, айниқса, ёшларни ўзларининг разил максадлари йўлида қурбон қилмоқдалар. Бунга истаганча мисол, хоҳла-

ганча исбот талаб қилмайдиган далиллар келтириш мумкин. Айниқса, яширинча гуруҳлар тузиб, пана-паскамларда йиғилишиб, диний масалаларни муҳокама қилиш, дин номидан иш кўриб, ўзларича ҳукм чиқариш ва ҳоказолар ҳақида мисоллар етарлилик топилади. Масалан, шу йил 12 март кунини жиноят ишлари бўйича Ўрта Чирчиқ туман суди қўрган ишда ҳам шундай манзарога гувоҳ бўлди.

Судланувчилар Камолитдин Ортикбеков ҳамда Рифхат Темиров эълоари билмаган ҳолда тўйтепаллик Тўлкин Нейматов тузган диний экстремистик гуруҳга аъзо бўлишган. Бу гуруҳга уларидан ташқари яна қўллаб-йигитлар исломини ўрганиш, дин илмидан хабардор бўлишни ният қилиб киришганди. Бироқ, ке-

йинчилик уларнинг дунёқарашлари ҳам қўтилмаганда тескари тарафга бурилиб кетди. Алишер Юсуфбеков, Фарҳод ва Икром Саломатовлар, Илхом Нурматов, Тоҳир Умурбоев, Асқарали Уролов, Дилшод Яҳёев, Азим Тошматов, Дилмурод Рустамов, Собир Хамроев, Абдухамид Дадабоев, Уткир Жуманиев, Икромжон ва Баҳром Хошимовлар, Акбар ва Маҳаммад Махамматовлар, Озод Турсунов, Рифхат ва Габурафик Темировоевлар, Убайдулла Аҳмедов, Хусанбой Йўлдошев, Карим Тулаганов ҳамда тергов вақтида аниқлаш имкони бўлмаган Абдухамид Зулфикоеров, Бахтиёр, Бекзот, Нусратилла, Ботир ва бошқалар аъзо бўлган жиҳодчи-экстремистик гуруҳи 1993 йилдан буён яширин тарзда фаолият юритиб келган.

Гуруҳ етакчиси Т. Нейматов 1994 йилнинг баҳор ойлариди Тошкент шаҳрининг Чорсу масжидида жиҳодчилар оқимининг раҳнамоларидан бўлган Абдували Мирзаевнинг ўғли Абдуқуддус Мирзаев билан танишиди. Шу тариқа А. Мирзаев билан жиноий тил бириктириб, уни гуруҳнинг Тўйтепада ўтадиган йигинларида иш-

тирокини ташкиллаштиради. Хусусан, уни яширин йигинлар ўтадиган ижарадаги уйга жойлаштиради. Йиғилишларда фақат "жиҳод" қилиш, ҳокимиятни эгаллаш ва бошқа террористик актларга асосланган тарғибот маърузалари ўқилар, бундай гоғларни мамлакат бўйлаб кенг тарқатишга қаҳирчилар илгари сурилди. Бу йигинларда иштирок этганлар эса шу руҳда "тарбияланарди".

Яхшики, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари бундай жиҳодчи гуруҳлар фаолиятини аниқлаб, ўз вақтида чора кўрмоқда. Акс ҳолда бундай ақида-парастлар халқимиз бошига қандай аянчи қўнларни солиши мумкин эди.

Судланувчиларга суд ўзининг қонуний баҳосини берди ва ҳукмини эълон қилди. Тўғри, улари ўз жазосини олади. Сабаби ҳеч бир жиноят юртимизда жазосиз қолмайди. Бироқ, гап яна юқоридиги мулоҳазаларга бориб тақалаверади. Наҳотки, қилаётган ишининг оқибатини англаш шунчалар қийин бўлса. Ёки бунинг учун албатта, боши бориб дегворга тегиши шартмикин? Мардон САЛИМОВ.

TOHKENT HAQIQATI
TASHKENTSKAYA PRAVA
Муассис:
Тошкент вилояти ҳоқимлиги

Бош муҳаррир
Убайдулла
АБДУШОҲИДОВ
e-mail:
th.tp@mail.ru

Манзилимиз:
100000,
Тошкент шаҳри,
Мабуотчилар
кўчаси, 32.
c-mail:
th.tp@mail.ru

Қабулхона:
Бўлим муҳаррирлари ва
муҳбирлар:
Шартнома ва эълонлар:
Ҳисоб-китоб бўлими:

Телефонлар:
233-64-95, 233-55-39,
233-58-85 (факс).
233-12-83, 233-48-08.
233-56-03, 233-65-59.
233-54-10.

Тошкент вилояти Мабуот ва
ахборот бошқармасида 2011 йил 12
январда 03-001 рақами билан
руйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати»
таҳририяти компьютер марказида
терилди ва саҳифаланди.

Наватчи муҳаррир
Сайёра РИХСИЕВА
Наватчи
Бекзод ҲИДОЯТОВ
Саҳифаловчи
Тоҳир МАҲМУДУЖАЕВ